

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАН ЧЖЕН**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН**  
**ИШЛАШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.11 - Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Economical Sciences**

**Ван Чжен**

Тижорат банкларида истеъмолчилар билан ишлашнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш .....3

**Ван Чжен**

Совершенствование маркетинговой стратегии работы с потребителями в коммерческих банках .....33

**Wang Cheng**

Improving the marketing strategy of work with consumers in commercial banks .....63

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works.....67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАН ЧЖЕН**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН  
ИШЛАШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**08.00.11 - Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt2035 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Норбой Ғаниевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Ақром Абдиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Карабаев Шербек Турабоевич**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишида банк тизими муҳим ўрин эгаллаб, корхоналар ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаради. Тижорат банклари хизматларига бўлган талабнинг ортиб бориши билан бирга нобанк институтларини кўпайиши, банк хизматлари бозорида рақобатни кескинлаштирмоқда. Бу эса тижорат банкларининг мижозлар билан ишлаш борасида янги банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш, масофавий хизмат турларини кенгайтиришни талаб этмоқда. «Буюк Британиянинг энг йирик тижорат банклари (клиринг банклари) ўз мижозларига хизмат кўрсатиш учун 100 га яқин, АҚШ тижорат банклари 150 дан ортик, Хитой ва Япония банклари эса 300 га яқин турдаги операцияларни амалга оширадилар».<sup>1</sup> Замонавий банк хизматлари бозорида шаклланган рақобат муҳити ва мижозларнинг банк хизматларидан фойдаланиш тажрибаларининг кенгайиб бориши мижозлар билан ишлаш борасида самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда тижорат банклари ва илмий муассасалар томонидан мижозларни банк хизматларига жалб қилиш ва уларни ушлаб қолиш бўйича бир қанча изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда мижозларни жалб этиш мақсадида фоизсиз кредитлар, бепул қўшимча банк хизматларини кўрсатиш, мижозларга совғалар ҳадя этиш каби маркетинг инструментлари қўлланилмоқда. Мижозларни тижорат банкларига жалб қилишнинг самарали усулларини излашда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш, мақсадли маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун маркетинг тамойилларидан кенг фойдаланиш, уларнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш устувор йўналишлар ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар жаҳон молия бозорининг асосий харакатлантирувчиси бўлган тижорат банкларида мижозлар билан ишлашнинг самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни янада долзарблаштиради.

Ўзбекистонда банк тизимини босқичма-босқич трансформация қилиш жараёнларини амалга оширишда тижорат банкларини хусусийлаштириш орқали уларнинг ишлаш механизмларини тубдан ўзгартириш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида «... банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш»<sup>2</sup> устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шундан

<sup>1</sup> Горнев С.А. "Зарубежный опыт аккумуляирования и инвестирования финансовых накоплений населения" Финансы и кредит, no. 22 (112), 2002, pp. 104-110.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Банкларнинг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича ўтказган йиғилиш материаллари». 06.07.2020. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-banklarining-transformaciya-jarayonini-jadallashtirish-boyicha-yigilish-otkazdi>

келиб чиқиб, тижорат банкларининг трансформацияси доирасида мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаш, мижозларни жалб этиш бўйича пухта маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш, шу билан бирга, мавжуд бўш пул ва инвестиция ресурсларидан фойдаланиш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини камайтириш ҳамда мижозларга йўналтирилган мослашувчан банк хизматларини кенг жорий этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мазкур тадбирлар мамлакат тижорат банклари томонидан банкка ва унинг хизматларига мижозларни жалб этишнинг аниқ механизми ва самарали маркетинг стратегияси ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 63-сон «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Молия бозорини ривожлантириш дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 29 мартдаги 161-сон «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкини халқаро молия институтлари иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Банк маркетингини ташкил этиш, банк хизматларини жорий этиш ва уларни амалиётга самарали татбиқ этиш муаммолари, тижорат банклари томонидан хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари узоқ хориж иқтисодчи олимлари Ж.Проенс, С. Кюртислар, П.Жеррард, Ж.Синки<sup>3</sup>, Чжан Ян, Сан

---

<sup>3</sup> Ж.Ф. Проенса, М.М. Сильва, Т. Фернандес, Влияние Интернета на банковский маркетинг. Journal of Financial Services Marketing. 2010, 160–175 стр.; Кюртис Ч., Лугауэр С. и Марк Н., «Демографические модели и сбережения домашних хозяйств в Китае» (пер. с. англ. языка.), American Economic Journal: Macroeconomics, 2015, 58-94 стр., Джеррард П. и Каннингем Дж. (), «Сингапурские студенты: как они выбирают, какой банк покровительствовать» (пер. с. англ. языка.), Международный журнал банковского маркетинга, 2010, 104-114 стр. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - Москва: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1018 с.

Чжикцин, Линь Цинпэн, Чэнь Тао, Сюэхун Чжао ва бошқалар<sup>4</sup> томонидан таҳлил қилинган.

Тижорат банкларида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, мижозларга йўналтирилган маркетинг сиёсатларини амалга оширишнинг назарий асослари яқин хориж олимлари И.Балабанов, Э.Жарковская, О.Лаврушин, В.Боровков, В.Усоскин ва бошқалар<sup>5</sup> илмий ишларида ўрганилган.

Маркетингнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистон иқтисодчи олимлари – Ш.Абдуллаева, А.Ваҳобов, Т.Бобоқулов, Б.Бердияров, А.Азларова, З.Мустафоев, М.Абдурахмонова, Б.Мирзамаидинов, Д.Аллаёрова, Г.Бекмуродова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган<sup>6</sup>.

Банк маркетинги, унинг стратегиясини шакллантириш, банк хизматлари сифатини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш масалалари А.Азларова, М.Абдурахмонова, З.Мустафоев, Б.Мирзамаидинов, Д.Аллаёрова, Г.Бекмуродоваларнинг илмий ишларида ўрганилган<sup>7</sup>. Хусусан, А.Азларова замонавий маркетинг концепциясини тижорат банкларида қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатларини, М.Абдурахмонова Ўзбекистон рақамли иқтисодиётини ривожлантиришда банк хизматлари ролини,

---

<sup>4</sup> Чжан Ян. Анализ маркетинговой стратегии коммерческого банкинга в эпоху больших данных - на примере Банка Китая (пер. с китайского языка). Баодин, Финансовый университет Хэбэя, 2016 г., стр. 28-30., Сан Жиксин, Исследование маркетинговой стратегии банка на фоне интернет-финансов (Research on bank marketing strategy under the background of internet finance) (пер. с англ. языка), Минск, 2021; Линь Цинпэн. Исследование конкретной маркетинговой стратегии на основе управления большими данными (пер. с китайского языка). Ланьчжоу, Технологический университет Ланьчжоу, 2016, 13-15 стр.; Чэнь Тао. Исследование стратегий сетевого маркетинга СІТІС банка в условиях финансовой среды Интернета (пер. с китайского языка). Хэбэй, Университет Аньхой, 2016, 14-17 стр.; Сюэхун Чжао, Чжаоци Лю, Исследование точной маркетинговой стратегии коммерческого банка на фоне интернет-финансов (пер. с англ. языка). Advances in Social Science, Education and Humanities Research (ASSEHR), volume 182, 2018, 175-178 стр.

<sup>5</sup> Балабанов И.Т. Банки и банковское дело / Под ред. И.Т. Балабанова. - Санкт-Петербург: Питер, 2002. – 304 с; Боровкова В.А. Банки и банковское дело: учебник для бакалавров / под ред. В. А. Боровковой. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2014. — 623 с., Жарковская Е.П. Банковское дело. - Москва: Омега-Л, 2016. - 526 с; Лаврушин О.И., Валенцева Н.И., Фетисов Г.Г. Банковское дело: учебник. / - 12-е изд. - Москва: Кнорус, 2018. - 800 с; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. - Москва: URSS. 2019. - 328 с.

<sup>6</sup> Абдуллаева Ш.З. Банковское дело. Учебник. - Ташкент: Молия, 2003. - 312 б.; Вахабов А.В. Укрепление банковской системы Узбекистана как приоритетное направление повышения эффективности антикризисной программы Узбекистана // Эффективность антикризисных программ и приоритеты посткризисного развития: (на примере Узбекистана). - Международная научно- практическая конференция - Ташкент: Узбекистан, 2010. - Часть III. - Б. 84-90. Азларова А.А. Абдурахманова М.М. Перспективы совершенствования маркетинга в банковской системе Узбекистана. Научно-электронный журнал «Экономика и инновационные технологии». 2018 № 2., Мирзамаидинов Б. К. Эффективность маркетинга в банковской сфере: (на примере Национального банка внешнеэкономической деятельности Узбекистана) (перевод с узбекского языка) дис. ... канд. экон. наук. - Т., 2008. - 152 с., Аллаёрова Д.Н. Эффективность маркетинга банков Республики Узбекистан. дис. ... канд. экон. наук. – Т., 2009. – 166 с.; Бекмуродова Г.А. Совершенствование концепции инновационного маркетинга в повышении конкурентоспособности коммерческих банков. Автореферат дисс. на соискание ученой степени PhD. . – Т., 2017. – 155 с.

<sup>7</sup> Азларова А.А. Абдураманова М.М. Перспективы совершенствования маркетинга в банковской системе Узбекистана. Научно-электронный журнал «Экономика и инновационные технологии». 2018 № 2., Мирзамаидинов Б. К. Эффективность маркетинга в банковской сфере: (на примере Национального банка внешнеэкономической деятельности Узбекистана) (перевод с узбекского языка) дис. ... канд. экон. наук. - Т., 2008. - 152 с., Аллаёрова Д.Н. Эффективность маркетинга банков Республики Узбекистан. дис. ... канд. экон. наук. – Т., 2009. – 166 с.

З.Мустафоев республика молия бозорини шакллантиришда банк маркетингидан фойдаланиш усули ва унинг йўналишини, Б.Мирзамайдинов банк тизимида маркетинг стратегиясини шакллантириш ва Д.Аллаёрова банк тизимидаги маркетинг самарадорлигини ўрганган.

Амалга оширилган тадқиқотларда банк хизматлари самарадорлигини ошириш бўйича мижозларнинг хулқ-атворини маркетинг нуқтаи назаридан ўрганиш муаммолари юқоридаги тадқиқот ишларида етарлича ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот ишида банк маркетинги муаммолари, мижозларни банк секторига жалб этишнинг истиқболли йўллари излашда маркетинг тамойилларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилган бўлиб, бу банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланиб, мазкур диссертация ишининг вазифалари ва мақсадларини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган ФМ-5 «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

мижозларни жалб этишнинг назарий асослари ва тижорат банкларининг мижозга йўналтирилган стратегиясини таҳлил қилиш;

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг маркетинг фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш;

мижозларни банк тизимида самарали жалб этишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил этиш, баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишларини асослаш;

тижорат банклари хизматларига салоҳиятли мижозларни жалб этиш бўйича маркетинг стратегиясини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида тижорат банки ташкилий тузилмасининг мижозга йўналтирилган моделини ишлаб чиқиш;

тижорат банклари хизматларига салоҳиятли мижозларни жалб этишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ нинг маркетинг фаолияти танланган.

**Тадқиқот предмети**ни тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишида тизимли, статистик ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб

тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, кузатув, эксперт сўровлари ва уларнинг таҳлили каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларига янги мижозларни жалб қилишда банк хизматлари тарифини табақалаштириш ҳамда бир ойда беш юз миллион сўмдан ошиқ айланмага эга мижозлардан хизмат ундирилмаслик таклиф этилган;

банк хизматларини масофадан кўрсатиш ва харажатларни тежаш, хизматлар бозорини кенгроқ эгаллашда ҳудудий марказларда банк хизматлари марказини очиш таклиф этилган;

объектив иқтисодий ҳаракатсизлик шароитида мижозларга берилган кредитларнинг фоизларини «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан субсидиялаш таклиф этилган.

мижозлардан хизмат ундирилмаслик, банк хизматлари марказини очишнинг тижорат банкларида истеъмолчилар билан ишлашнинг маркетинг стратегиясининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мижозларни банк хизматларига жалб қилишнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг моҳияти очиб берилган;

тижорат банкларининг мижозлар билан ишлаш йўналишлари, хусусан, мижозларга масофавий хизмат кўрсатиш имкониятлари, мобиль иловалари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар батафсил ёритиб берилган;

тижорат банки (банк филиалининг) имиджи ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини эксперт баҳоси ва мижозлар сўрови асосида баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган;

банк хизматларига салоҳиятли, йирик мижозларни жалб қилиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида тижорат банки ҳудудининг бизнес-ҳаритаси ишлаб чиқилган;

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг бошқарув тузилмасига киритилган мижозлар билан ишлаш департаментининг ташкилий тузилмаси ва функционал вазифаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, шунингдек, банк маркетинги ва мижозларни банк хизматларига жалб қилиш фаолиятини ривожлантириш бўйича олинган натижаларнинг тижорат банклари томонидан маъқуланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишининг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан тижорат банкларига мижозларни жалб қилиш учун маркетинг стратегиясини такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатларини чуқур ўрганишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари, хулосалари ва тавсиялари мижозларни жалб қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш усуллари ва механизмлари ҳақидаги назарий ва амалий билимлар доирасини кенгайтиради. Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан тижорат банклари амалиётида мижозларни барқарор жалб қилиш ва ушлаб туриш бўйича маркетинг стратегияси асосида қарорлар қабул қилиш ва амалий чора-тадбирларни белгилашда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ғоялари ва материалларидан олий таълим муассасаларида ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш, шунингдек, «Банк иши», «Банк маркетинги», «Маркетинг», «Маркетинг тадқиқотлари» каби фанлар бўйича кадрлар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мижозларни тижорат банкларига жалб этиш амалиётини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида қуйидагилар жорий этилган:

тижорат банкларига янги мижозларни жалб қилишда банк хизматлари тарифини табақалаштириш ҳамда бир ойда беш юз миллион сўмдан ошиқ айланмага эга мижозлардан хизмат ундирилмаслик таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарувининг 2021 йил 24 декабрдаги 04/02/-1245-сон қарори билан «2022-2023 йилларда Банкни ривожлантириш стратегияси»га киритилган («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2022 йил 20 январдаги 07-08/1080-сон маълумотномаси). Натижада, 2022 йил январь ойида 24 та беш юз миллион сўмдан ортиқ айланмага эга мижозлар жалб қилинган;

банк хизматларини масофадан кўрсатиш ва харажатларни тежаш, хизматлар бозорини кенгроқ эгаллашда ҳудудий марказларда банк хизматлари марказини очиш таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарувининг 2021 йил 24 декабрдаги 04/02/-1245-сон қарори билан «2022-2023 йилларда Банкни ривожлантириш стратегияси»га киритилган («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2022 йил 20 январдаги 07-08/1080-сон маълумотномаси). Натижада, «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали таркибида 6 та банк хизматлари маркази ташкил этилган;

объектив иқтисодий ҳаракатсизлик шароитида мижозларга берилган кредитларнинг фоизларини «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан субсидиялаш таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарувининг 2021 йил 24 декабрдаги 04/02/-1245-сон қарори билан «2022-2023 йилларда Банкни ривожлантириш стратегияси»га киритилган («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2022 йил 20 январдаги 07-08/1080-сон маълумотномаси). Натижада, 212 та мижознинг 421,2 млн сўмлик маблағлари «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан субсидияланган;

тижорат банкларида истеъмолчилар билан ишлашнинг маркетинг стратегиясини 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарувининг 2021 йил 24 декабрдаги 04/02/-1245-сон қарори билан «2022-2023 йилларда Банкни ривожлантириш стратегияси»га киритилган («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2022 йил 20 январдаги 07-08/1080-сон маълумотномаси). Натижада, тижорат банкларида истеъмолчилар билан ишлашнинг маркетинг стратегиясини 2026 йилгача бўлган прогноз режаси қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари халқаро, республика ва минтақавий семинарлар ҳамда илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг «Истеъмолчиларни тижорат банкларига жалб этишда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари» номли биринчи бобида тижорат банкларига мижозларни жалб қилишнинг назарий ёндашувлари ўрганилган. Тадқиқот доирасида «банк истеъмолчиси (мижози)», «банк хизматлари» ва «банк маркетинги» тушунчаларининг иқтисодий моҳиятига муаллифлик ёндашувлари таклиф этилган.

Банк тизимининг ривожланиши банк ходимларининг мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифатини ошириши ва уларнинг ишончига боғлиқ. Банкнинг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатаётган кенг доирали хизматларини самарали ташкил этиш ва доимий ривожлантириш қуйидаги шарт-шароитларга, хусусан, банк стратегиясини ишлаб чиқиш, самарадорликни аниқлаш, концепция белгилаш, хизматларни сотиш, бозорни тадқиқ этиш, кадрлар сиёсати ва бошқаларга асосланади.

Тижорат банклар нафақат ўз хизматларининг нархини белгилаш, балки кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, замонавий тенденция ва

технологияларга боғлиқ бўлган истеъмолчилар талабини самарали қондириш билан бирга доимий ғамхўрлик қилиши талаб этилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, хизматларнинг қайси хусусиятлари истеъмолчиларни қаноатлантиришини аниқлаш лозим. Қўйилган муаммоларни самарали ҳал қилишнинг асосий йўналиши маркетингдир. Классик банк маркетинг назарияларида маркетинг фақат талабни ўрганиш, талабни рағбатлантириш ва мижозларни жалб қилишнинг турли воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олган бўлса, 1980 йилдан кейинги банк маркетингининг асосий концепцияси тижорат банкларини бошқаришнинг мижозларга йўналтирилган замонавий йўналиши сифатида қарала бошланган.

Натижада тижорат банклари фаолиятида асосий атамалар бўлган «банк истеъмолчиси (мижози)», «банк хизматлари» ва «банк маркетинги» тушунчалари муҳим иқтисодий категориялар қаторига чиқди. Америкалик бизнесмен Г.Фоксалнинг фикрича «Истеъмолчи - ўта муҳим шахс. Истеъмолчи бизга боғланган эмас, аксинча, биз унга боғланганмиз. У ишимизга халақит бермайди, аксинча, ишимизнинг асосий мақсади ва мантиқидир. Истеъмолчи - бу у билан баҳслаша олмайдиган шахс. Ҳеч ким улар билан баҳсда ғалаба қозонмаган»<sup>8</sup> деган фикрни илгари сурган. Тегишли категорияларни ўрганиш асосида муаллифлар томонидан қуйидаги илмий категорияларга муаллифлик ёндашувлари таклиф этилган:

**Банк истеъмолчиси** - шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ ҳар қандай мақсадларда банк маҳсулотларини сотиб оладиган, банк хизматларига буюртма берувчи жисмоний ёки юридик шахсдир.

Жаҳон олимлари томонидан таклиф этилган ёндашувларни ўрганиш асосида аниқланадики, «**банк хизматлари** - тижорат банкларининг операцион ва стратегик фаолияти ҳамда самарали бошқаруви билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуи» сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Кескин рақобат ва инновацион иқтисодиётни шаклланиши шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли фаолият юритишида маркетинг юқори даражали аҳамиятга эга. Тижорат банкларида маркетинг фаолиятини ҳорижий иқтисодчилар Д.Аакер, Ф.Котлер, Г.Армстронг, шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимлари О.Лаврушин, А.Тютеник, Э.Турбанов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонлик олимлардан Ш.Абдуллаева, Д.Аллаёрова, З.Мустафоев, А.Азларова, М.Абдурахмоноваларнинг илмий тадқиқотлари мамлакатга хос бўлган банк маркетинги назарияларини шакллантиришда аҳамиятга молик тадқиқотлар ҳисобланади.

Маркетинг самарадорлиги нафақат банкнинг шаклига, балки унинг мақсадлари, режалари ва мавқеига ҳам боғлиқ бўлади. Банк маркетинги бўйича ҳорижий ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида 1-жадвалда банк хизматлари хусусиятларининг банк маркетинги хусусиятига таъсири тизимлаштирилди.

---

<sup>8</sup> Фоксал Г. Психология потребителя в маркетинге / Пер. с англ. под ред. И.В. Андреевой. – СПб.: Питер, 2001. – 45 с.

Банк хизматларининг маркетинг хусусиятига боғлиқлиги<sup>9</sup>

Банк хизматлари гуруҳлари	Банк маркетинги хусусияти
<b>Ажралиб турадиган белгилар:</b> 1. Иқтисодиётни тўлов маблағлари билан таъминлаш; 2. Муомаладаги пул миқдорини назорат қилиш; 3. Молиявий институтларнинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш	Инсонларнинг пулга нисбатан ижтимоий-психологик муносабатини ҳисобга олиш, ушбу хусусиятдан тижорат банки нуфузини яратишда банк маҳсулотларини ҳаракатлантиришда фойдаланиш
<b>Бошқа турдаги хизматларга хос бўлган банк хизмати белгилари:</b> 1. Қарзга олинадиган маблағлардан фойдаланиш 2. Индивидуал тавсиф	Банк мижозлари базасини сегментлаш ва табақалаштириш зарурлиги Тижорат банкларнинг мижозлар аудиториясини тизимли таҳлил қилиш
3. Учинчи шахсга ёпиқлик	Маркетинг маълумотларини олиш ва уни сақлашнинг қийинчилиги
4. Қатъий давлат назорати	Банк тизими, мамлакат, ҳудуд, бозорлар иқтисодиётига нисбатан ҳукумат таркибий тузилмалари қарорлари, ҳаракатлари, мўлжалларини таҳлил қилиш
5. Мижозларга боғлиқлик	а) мижозлар базасини муқобиллаштириш зарурлиги; б) турли таркибий тузилмаларининг банк тизимига нисбатан қарори, стратегик мақсадларни таҳлил қилиш; в) мижозлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш; г) мижозлар базасини комплекс таҳлил қилиш
6. Мижозларга хизмат кўрсатишни муқобиллаштириш	а) банк хизматига нисбатан табақалаштирилган ёндашув; б) банк фаолиятини универсаллаштириш; в) мижозлар базасини муқобиллаштириш; г) ушбу хусусиятдан банк маҳсулотини яратиш босқичида фойдаланиш
7. Мижозлар ишончини қозонишга банк муқим фаолият юритишининг боғлиқлиги	а) мижозлар базасини муқобиллаштириш; б) мижозлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш; в) мижозлар базасини комплекс таҳлил қилиш
8. Фойда – доимий, узлуксиз фаолият натижаси	Ушбу хусусиятдан банкнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш босқичларида фойдаланиш
9. Банк таваккалчилигининг мижозлар таваккалчилиги билан боғлиқлиги	а) мижозлар базасини муқобиллаштириш; б) ушбу хусусиятдан банкнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш босқичларида фойдаланиш
10. Хизмат кўрсатиш давомийлигининг нисбатан юқорилиги	Мижозларни доимий мижозларга айлантириш бўйича ҳаракатлар
11. Хабарлар сиғими	Банкнинг маркетинг маълумотларини тўплашда рақамли технологияларни қўллаш

Маркетинг концепциясининг асосини иқтисодиёт субъектлари барча бўлинмалари фаолиятини истеъмолчига йўналтириш ташкил этади. Ишлаб чиқариш соҳалари истеъмолчиларидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатиш

<sup>9</sup> Эмпирик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

соҳалари, хусусан, банкларнинг мижозлари хатти-ҳаракати ўзига хосдир. Хизматлар маркетингининг асосий фарқловчи жиҳати мижозларга хизмат кўрсатишнинг бир вақтни ўзида рўй беришидир. Бинобарин, банк мижозлари – банк маҳсулотларининг амалдаги ёки салоҳиятли харидорларидир.

Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш бозорининг ривожланиш анъаналарини ўрганиш асосида маълум бўладигани, банк хизматларининг сифат даражаси мижозларга кўрсатилаётган инновацион ва телекоммуникация хизматларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Ривожланиш бўйича банк хизматларини анъанавий ва ноанъанавий турларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Анъанавий банк хизматлари кредит, депозит ва ҳисоб-китоб хизматларини ўз ичига олади. Тижорат банкларининг анъанавий банк хизматлари қаторига банклар ташкил этилганда мижозларга кўрсатиладиган банклар учун хос бўлган барча банк хизматлари киради. Яъни тижорат банкларининг кредит ва депозит операциялари анъанавий хизматларнинг асосини ташкил этади (1-расм).

Анъанавий хизматлар	Ноанъанавий хизматлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кредит хизматлари</li> <li>• Депозит хизматлари</li> <li>• Ҳисоб-китоб хизматлари</li> <li>• Транзакциялар</li> <li>• Валюта билан боғлиқ операциялари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Консалтинг хизматлари</li> <li>• Молиявий активларни бошқариш хизматлари</li> <li>• Интернет-банкнинг</li> <li>• Секьюритизация</li> <li>• Суғурта хизматлари</li> <li>• Бошқа хизматлар</li> </ul>

**1-расм. Тижорат банкларининг анъанавий ва ноанъанавий хизматлари<sup>10</sup>**

Ноанъанавий банк хизматларига одатда банк фаолиятига эндигина кириб келган банк хизматларини киритиш мумкин. Бундай хизматлар қаторига банклараро рақобатнинг ривожланиши натижасида жорий этилган хизматлар, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларда компьютер технологияларидан фойдаланиш киради.

Банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш иқтисодиёт ва молиявий ривожланишни жадаллаштириш билан бирга аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши лозим. Бироқ, кўпгина мамлакатларда тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган барча банк хизматлари ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. 10 йил давомида 83 та давлатда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банклар учун кенг имкониятлар яратиб бераётган мамлакатларда банклараро рақобат кенг тарқалган, банк хизматлари кўламида кенгайиш тенденцияси кузатилган<sup>11</sup>.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, мижозларга янада хилма-хил ва сифатли хизматлар кўрсатувчи тижорат банклари таклифлар доираси чекланган банкларга нисбатан табиий равишда устунликка эга бўлади. Сўнгги йилларда кўплаб йирик тижорат банклари мижозларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириши стратегик йўналишлардир.

<sup>10</sup> Николаева Т.П. Банковский маркетинг: Учебно-методический комплекс. М.: Центр ЕАОИ, 2009. 224 с.

<sup>11</sup> Ann L. Owen, Javier M. Pereira Bank concentration, competition and financial inclusion. 2018. Page 17.

Шунингдек, банклар кредит-ҳисоб-китоб ва касса хизматларидан ташқари, ўз мижозларига бошқа турдаги хизматларни ҳам тақдим этади. Тижорат банклари мижозлар учун ҳисоб-китоб ва бухгалтерия хизматларининг куйидаги турларини тўлиқ ўз зиммаларига оладилар:

- амортизация ва пенсия ҳисобларини юритиш;
- бухгалтерия операциялари, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш;
- иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар;
- омборлардаги товар захираларининг динамикасини назорат қилиш;
- сотиш ва операцион харажатларни таҳлил қилиш;
- компаниялар учун инвестицияларни молиялаштириш баланси ва консолидация баланси лойиҳаларини тартибга солиш.

Дунёнинг ривожланган банк тизимига эга мамлакатларида замонавий банк ишининг муҳим хусусияти бу - кенг мижозлар доираси учун кўрсатиладиган банк операциялари турлари ҳисобланади. Масалан, Буюк Британиянинг энг йирик тижорат банклари (клиринг банклари) ўз мижозларига хизмат кўрсатиш учун 100 га яқин, АҚШ тижорат банклари 150 дан ортиқ, Хитой ва Япония банклари эса 300 га яқин турдаги операцияларни амалга оширадилар.

Сўнгги 10 йилликда Европанинг илғор мамлакатларида банк хизматлари бозорида чет эл назоратидаги банкларнинг роли ортиб борган (чет эл назоратидаги банклар - бу устав капиталининг 50 %дан ортиғи норезидентларга тегишли бўлган банклар). Олиб борилган тадқиқотлар банкларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолият доираларини кенгайтириб бориши аҳолининг бутун банк тизимига бўлган муносабатига қандай таъсир қилишини таҳлил қилади. Улар Марказий ва Шарқий Европадаги ўтиш давридаги мамлакатларда рўй бераётган тенденцияларни солиштириб, куйидаги хулосаларни тақдим этишди.

Аксарият ривожланаётган мамлакатларда, Венгрия ва Полша бундан мустасно, хорижий капитал банкларнинг асосий қисмини, шу жумладан аҳоли билан ишлайдиган жамғарма ва чакана банк муассасаларини назорат қилади. Энг йирик чакана савдо ёки омонат кассалари куйидаги стратегик хорижий компанияларга тегишли: Чехия ва Словакияда - Австриянинг Erste, Хорватияда - Италиянинг UniCredito, Болгарияда - Венгриянинг OTP, Литвада - Швециянинг SEB, Эстонияда - Швециянинг Swedbank, Словенияда - Белгиянинг KBC банклари. Ўз кучи билан ривожланган ва хизматларини дастлаб йирик корпоратив мижозларга йўналтирилган хорижий банклар, кейинчалик, қоида тариқасида, жисмоний шахсларнинг маблағлари билан ишлашни бошлаган. Бинобарин, ушбу бозор сегментида хорижий иштирокнинг даражаси бутун мамлакат банк секторидаги улушга мос келади. Бироқ, Хитой банк бозорида давлат банклари устунлик қилади.

Аксарият МДХ мамлакатларида, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европанинг айрим мамлакатларида амалиёт эса бошқача. Биринчидан, бу мамлакатлардаги тижорат банклари чет эл назоратига ўтмаган ва улар асосан давлат улушини сақлаб қолган. Иккинчидан, ўз ривожланишининг дастлабки босқичида аксарият хорижий банклар жисмоний шахслар билан ишлашга қизиқиш билдирмай, корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш ва ташқи

иктисодий фаолиятга юқори даражада эътибор қаратдилар. Кейинчалик чет эл иштирокидаги айрим банклар корпоратив мижозлар ва аҳолига маълум чакана банк хизматларини (жорий ва жамғарма ҳисобварақлари, ҳисоб-китоб пластик карточкалари) кўрсатишга мажбур бўлдилар. Шундан сўнг, банкларнинг 75 фоизи чакана йўналишини бозордаги устувор йўналиш деб ҳисоблаб келади ҳамда шундан бери бу кўрсаткич миқдори доимий равишда ортиб бориш тенденциясига эга.

Мижозларни жалб этиш, ушлаб туриш, уларда содиқликни шакллантириш, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг фаолият сифати билан боғлиқ масалаларни ечиш жаҳондаги нуфузли компаниялар етакчи менежерлари зиммасига юклатилган. «The Conference Board» фирмаси томонидан ҳар хил мамлакатлар компанияларининг 700 та раҳбари билан бўлган мулоқот вақтидаги сўров натижалари келтирилган<sup>12</sup> (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Мамлакатлар бўйича етакчи банклар менежерларининг маркетинг муаммолари<sup>13</sup>

<i>1. Мижозлар содиқлиги ва уларни ушлаб туриши</i>	1-сон глобал муаммо _____ 42 %
Шимолий Америка (Мексика билан бирга)	_____ 46 %
Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка	_____ 40 %
Европа ва Осиё	_____ 37 %
Марказий ва Жанубий Америка	_____ 36 %
<i>2. Харажатларни камайтириши</i>	2-сон глобал муаммо _____ 38 %
Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка	_____ 50 %
Осиё	_____ 44 %
Европа	_____ 37 %
Шимолий Америка (Мексика билан бирга)	_____ 37 %
Марказий ва Жанубий Америка	_____ 36 %
<i>3. Ишининг мослашувчанлиги ва тезлигини ошириши</i>	3-сон глобал муаммо _____ 29 %
Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка	_____ 40 %
Осиё	_____ 37 %
Европа	_____ 31 %
Шимолий Америка (Мексика билан бирга)	_____ 27 %
Марказий ва Жанубий Америка	_____ 18 %

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тижорат банклари фаолиятида бугунги кунда мижозларни ушлаб туриш ва уларнинг содиқлиги муаммоси глобал тавсифга эга. Ушбу муаммо айниқса, ўрганилаётган компанияларнинг Шимолий Америка (Мексика давлати ҳам киритилганда) минтақасида жойлашганларида юқори, яъни 46 фоиз. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Африка минтақаларида жойлашган компанияларда харажатларни камайтириш муаммоси юқори улушга эга бўлиб, 50 фоизни ташкил этган.

Жаҳон мамлакатларининг банк маркетинги соҳасидаги асосий муаммоларни ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, мижозлар билан муносабатларни самарали бошқариш асосий стратегик мақсад ҳисобланади. Унга эришиш учун мижозларнинг содиқлигини

<sup>12</sup> Хруцкий В.Е., Корнеева И.В. Современный маркетинг: Учеб. пособие / 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2002.-57 с.

<sup>13</sup> Данные из сайта: <https://www.conference-board.org/us/marketing-and-communications>

ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларни жалб қилишда муваффақиятга эришишга йўналтирилган маркетинг стратегиясини шакллантириш талаб этилади.

Тадқиқот ишининг «**Мижозларни жалб қилишга йўналтирилган банк маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёни ва тенденциялари**» номли иккинчи бобида тижорат банкларининг маркетинг фаолияти, мавжуд ҳолати, банк хизматларининг ривожланиш тенденциялари, банк хизматларига янги миждларни жалб қилиш имкониятлари, механизмлари ва жараёнлари таҳлил қилинган. Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиалининг имиджи ва хизмат кўрсатиш сифати баҳоланган.

Банк хизматларидан фойдаланадиган барча миждлар, уларнинг ҳажмидан қатъий назар, юқори сифатли хизматни талаб этади. Банк тизими амалиётида долзарблигича қолаётган миждлар билан ўзаро муносабатлар муаммоси банкларнинг рақобатбардошлигини тавсифловчи муҳим омиллардир.

Мижозлар бизнесида қуйидаги тўртта муҳим вазифа амал қилади: миждни жалб этиш, уни ушлаб туриш, муносабатларни ривожлантириш ва ниҳоят, кераксиз (фойда келтирмайдиган) миждлардан воз кечиш (2-расм).



**2-расм. Мижоз бизнесининг вазифалари<sup>14</sup>**

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, миждлар билан ишлаш тизимида уларни жалб этиш биринчи ўринда туриши бежиз эмас. Таниқли мутахассис П.Друкер таъкидлашича, янги миждларни жалб этиш шунинг учун зарурки, бу жараёнда янги миждларни жалб этиш билан боғлиқ масалалар ечимига банк фаолиятини йўналтиришни мажбурлаш, шу асосда банк таркибий тузилмаси, ходимлари, умуман, банк фаолиятини жонлантириш келиб чиқади<sup>15</sup>. Бинобарин, банкларни жалб қилинадиган маблағ ҳажми билан биргаликда янги миждга банк хизмати ва маҳсулотини сотишдан келадиган наф ҳам қизиқтиради.

Мижозларни жалб этиш босқичи ўта муҳим бўлганлиги сабабли унга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Мижозларни жалб этиш бўйича олиб борилиши лозим бўлган барча ишлар 3-расмда блок-схема тарзида таклиф этилади. Янги миждларни жалб қилиш ва натижаларни баҳолаш бўйича

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>15</sup> Владиславлев Д.Н. Как организовать клиентскую службу банка. – М.: Ось-89, 2004. – С.34.

таклиф этилган 7 босқич вариант асосида иш олиб бориш жараёни технологик ҳаракатлар тарзида тасаввур қилишга яқиндан ёрдам беради.

Муаллифнинг фикрича, миждозларни жалб этиш жараёнининг муваффақиятли яқун топиши, жараёни амалга оширишнинг кетма-кет босқичларини технологик тарзда кўрсатишга боғлиқ бўлади. Натижада, маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда қулайлик туғдиради. Таклиф этилган схема банкка янги миждозларни жалб этиш менежери учун қадамли мансаб йўриқномасини (иш харитаси) тузиш имконини беради.



3-расм. Янги миждозларни жалб қилиш ва натижаларни баҳолаш босқичи<sup>16</sup>

Янги миждозларни жалб қилиш борасида тижорат банклари ўз ходимлари учун йўриқнома ишлаб чиқиши лозим. Ушбу жараённинг ҳар бир босқичини амалга ошириш йўллари тегишли тестлар, миждозни бизнес-баҳолаш услубияти, менежерни маълумот билан таъминлаш механизми кабилардан иборат бўлиши тавсия этилади.

Самарали фаолият юритаётган банкларни истиқбол нуқтаи назардан миждозлар билан муносабатларни иқтисодий самарадорликка эришиш нуқтаи назаридан доимий мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ. Бу банкнинг миждозлар тўғрисидаги маълумотлар базасига салоҳиятли миждозларни киритиш имконини беради. Миждозларни жалб қилиш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва аниқ бир технология асосида иш олиб боришни таъминлайди. Салоҳиятли миждозлар тўғрисидаги маълумотлар базасини самарали юритиш учун миждозлар базасидаги йўқотишларни таҳлил қилиш шарт. Ҳар бир йўқотилган миждоз бўйича унинг кетиш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқ, шунингдек, салоҳиятли миждоз билан мулоқот олиб бориш жараёнида юзага келган муаммоларни таркиблантириш ва таҳлил қилиш

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

зарур.

Бу каби кенг қамровли таҳлилни амалга ошириш учун ҳудуд (ёки банкка яқин ҳудуднинг бизнес-харитасини тузиш таклиф этилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Банк ҳудудининг бизнес-харитаси<sup>17</sup>**

Т/р	Банк қизиқиш уйғотадиган корхона, ташкилотлар номи	Корхоналар салоҳияти, имкониятлари	Ушбу ҳудуддаги банк муҳити рақобат даражаси

Масалан, ICBC нинг Хэбэй филиалида ҳам банк ҳудудининг бизнес-харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагича кўринишга эга (4-жадвал):

**4-жадвал**

**ICBC нинг Хэбэй филиали ҳудудининг бизнес-харитаси**

Т/р	Банк қизиқиш уйғотадиган корхона, ташкилотлар номи	Корхоналар салоҳияти, имкониятлари	Ушбу ҳудуддаги банк муҳити рақобат даражаси
1	«Jia Le Yuan» супермаркети	Супермаркет тармоқларида кунлик катта пул оқими мавжуд	China Agriculture Bank
2	KFC компанияси	Кунлик катта пул оқими мавжуд	China Bank of Construction
3	«Lan Tian» болалар мактаби	Семестрда 1000 нафар болани қабул қилинади. Контракт тўловлари учун жуда кўп шартномалар тузилади	China Bank of Communication
4	«Bei Hua» архитектура ва муҳандислик лойиҳалаш компанияси	Ходимларнинг иш ҳақи ва йирик тижорат шартномалари	Bank of China
5	Табиий газ компанияси	Ходимларнинг иш ҳақи ва аҳоли томонидан тўланадиган табиий газ тўловлари	China Industrial Bank

Юқоридаги маълумотлар базаси салоҳиятли мижозлар билан узоқ муддатли фаолиятни стратегик режалаштиришга, шунингдек, истиқболли имкониятларини топишга, янги фирмалар ҳақида маълумот олишга ва натижалар асосида улар билан музокаралар олиб бориш орқали салоҳиятли мижозларни банкка жалб қилишга бевосита ҳисса қўшади.

Таклиф этилган бизнес-харита асосида шаклланган маълумотлар базасида салоҳиятли мижозларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

бошқа банк хизматига ўтишга тайёр турган корхона ва фирмалар;


ўзининг «эски» банкида мустақкам қоладиган корхоналар;

қайси банкни танлашни аниқ белгилаб ололмаган корхоналар.

Мижозлар базасини ривожлантириш жараёнига самарали фаолият юритаётган корхоналарни жалб этиш зарур. Банкнинг мижозлар базасида муаммоли ташкилотлар пайдо бўлишига қизиқиш кузатилмайди. Мижозларни диагностика қилиш борасида банкнинг салоҳиятли мижози – компаниянинг молиявий, ташкилий ва сотиш салоҳияти тўғрисида маълумот бера оладиган иккита, стационар ва мижознинг тезкор бизнес-диагностикаси амалий усуллари мавжуд.

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Стационар таҳлил ўрганилаётган салоҳиятли мижознинг молиявий кўрсаткичлари асосида стационар шароитда маркетингнинг «кабинет» тадқиқотларини қўллаган ҳолда экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилади<sup>18</sup>. Таҳлилда фаолиятни молиявий жиҳатдан баҳолаш (баланс кўрсаткичлари бўлганда) қулай ҳисобланади. Лекин мижознинг ишлаб чиқариш-бошқариш ва савдо соҳасидаги салоҳиятини баҳолаш баъзи мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бунда ташкилий-ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган асосий воситаларнинг эскириш даражаси, бизнес-режа мавжудлиги, маҳсулот сифатини назорат қилиш тизими амал қилиши, менежерлар малакаси даражаси, меҳнат қиймати ва шу каби бошқа кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мижозларнинг хизмат кўрсатилгандаги талаби қондирилиши даражасини аниқлаш ҳам мураккаб жараён саналади<sup>19</sup>.



**4-расм. Салоҳиятли мижозни стационар таҳлил қилишнинг таркибий тузилмаси**

Мижоз ҳолатини стационар таҳлил қилишда ҳаракатлар кетма-кет амалга оширилади. Бу жараён асосан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган статистик кўрсаткичлар, корхонанинг ҳисобот материалларини, маълумотномалардаги баланс материалларини қайта ишлаш орқали олиб борилади. Шундан сўнг, банкда қизиқиш уйғотадиган корхона, ташкилот ҳақида чуқур таҳлил олиб бориш учун зарур бўладиган маълумотлар бошқа манбалардан қидирилади. Улар жумласига назорат қилувчи органлар: солиқ, хўжалик судлари, патент ташкилотлари, божхона, транспорт компаниялари, хизмат кўрсатувчи банklar, биржалар, суғурта компаниялари ва бошқалардан олинadиган маълумотлар киради. Шунинг назарда тутиш лозимки, ўрганилаётган салоҳиятли мижознинг расмий ҳисобот материаллари фойдали маълумотлар олишга имкон беради. Салоҳиятли

<sup>18</sup> Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования. Практическое руководство / 4-е изд.; Пер. с англ. – М.: ООО "Вильямс", 2007. –С.67.

<sup>19</sup> Фоксал Г. Психология потребителя в маркетинге / Пер. с англ. под ред. И.В. Андреевой. – СПб.: Питер, 2001. –С.29.

мижознинг стационар таҳлилининг тузилиши 4-расмда келтирилган.

Мижозни тезкор бизнес-диагностикаси – мижозларни жалб қилиш менежери томонидан мижоз билан учрашиш олдидан ва учрашув жараёнида олиб борилади. Диагностика сифати менежернинг қобилиятига боғлиқ. Бунда менежер мижоз корхонанинг барча ҳаётий цикли ва рақобатбардошлигини тавсифловчи омилларни вақтида илғай олиши зарур. Муваффақиятли фаолият юритувчи корхоналарнинг ажралиб турадиган белгилари мавжуд. Бу белгилар ҳар хил фаолият соҳаларида намоён бўлади<sup>20</sup>.

Таклиф этилаётган диагностика муваффақиятини стационар таҳлил ва экспресс диагностика натижаларини бирлаштирилиши асосида аниқ стратегик қарор қабул қилиш имкониятини яратади.

Самарали музокаралар олиб боришда тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стандартларини қўллаш бўйича муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган беш босқичли моделни жорий этишни таклиф этилган. 5-расмда таклиф этилган модель мижозларга хизмат кўрсатишнинг беш босқичларини ўз ичига олади.



#### **5-расм. Тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стандартлари босқичлари**

Тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг стандартларининг юқоридаги беш босқичли модели мижозлар билан алоқа ўрнатиш учун мустақам услубий асос бўлиб хизмат қилади. Диссертацияда таклиф этилган мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича тайёр тезкор қўлланма тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг стандартлари мижозлар билан ўзаро муносабатларни самарали ташкил этиш имкониятини беради.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон банкларида ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида қулай банк хизматлари жорий этилмоқда, шу билан бирга банк хизматлари такомиллаштирилиб, мижозларга уларни қаноатлантирадиган тўлиқ хизматлар кўрсатилмоқда. Албатта, ҳар бир давлатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам банк хизматларининг асосий турлари бўлган кредит ва депозит операцияларининг салмоғи бошқа банк хизматлари салмоғидан анча устун ҳисобланади. Жумладан, Ўзсаноатқурилишбанки АТБ да банк фаолияти ва янги хизмат турлари кўпайиб, банк рақобатбардошлиги ва бозордаги мавқеи ижобий томонга

<sup>20</sup> Ситник Л.В. Управление банком. – М.: АО "Менатеп-Информ", 1999.-С.78.

ўзгарган. Банк тизимини трансформация қилиш жараёнида банклар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, мижозларга хизмат кўрсатишга янгича ёндашувларни кенгайтириш ҳисобига янги банк хизматлари ва маҳсулотлари таклифи ортиб бормоқда. Хусусан, тижорат банклари:

аҳоли учун 24, тадбиркорлар учун 65 та модулли кредит маҳсулотлари яратилган;

истеъмол товарларини кредит асосида масофадан сотиб олиш учун махсус платформа – «электрон савдо майдончалари» ишга туширилган;

мобиль илова орқали ёки банкка мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри банк картасига халқаро пул ўтказмалари орқали пул маблағларини қабул қилиш имконияти яратилган;

QR-код, Touch to Phone ва NFC технологиялардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш тизими жорий этилган;

банк картаси очиш ва етказиб бериш хизмати учун онлайн дастур ишга туширилган.

